

## АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сабиров М.Қ.

*Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон*

Мақолада кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг устувор йўллари ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар асосланган.

**Таянч сўз ва иборалар:** солиқ, солиқ стратегияси, солиқларни режалаштириш, солиқ имтиёзи, солиқ маданияти, давлат даражасидаги чора-тадбирлар, тадбиркорлик субъекти даражасидаги чора-тадбирлар, солиқларни режалаштириш босқичлари.

В статье обосновано приоритетные направления осуществляющих мер по разработки стратегии налогообложения субъектов малого бизнеса.

**Ключевые слова:** налог, налоговая стратегия, налоговое планирование, налоговая льгота, налоговая культура, меры в уровне государство, меры в уровне предпринимательский субъект, этапы налогового планирования.

### КИРИШ

Мамлакатимиз солиқ-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар, хусусан, хўжалик субъектлари ва аҳоли даромадларига нисбатан солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармонида биноан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” таркибидаги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” доирасида “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом еттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш” [4] каби мақсадларнинг мавжудлиги бу соҳага катта ётибор қаратилаётганидан далолат беради.

### МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Д.Г.Черник солиқлар ҳақида қуйидагича таъриф беради: “Солиқлар-давлат томонидан хўжалик субъектлари ва фуқаролардан қонуний тартибда ўрнатилган ставкаларда ундириб олинadиган мажбурий йиғимларни ўзида акс

этиради”. Чет эл адабиётларида ҳаётда икки нарсдан қочиб бўлмаслиги таъкидланади. Улардан бири ўлим бўлса иккинчиси эса солиқлардир.

Д.Рикардо - солиқлар ҳокимият ихтиёрига келиб тушадиган ер маҳсулотлари ва мамлакат меҳнатининг бир қисмини ташкил этади ва охир оқибат улар капитал ҳисобидан ёки мамлакат даромади ҳисобидан тўланади.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби солиқ соҳасида ҳам замонавий ахборот технологиялари муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда нафақат тадбиркорликни ривожлантириш, балки хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ҳам солиқ юқини камайтириш ва қулай солиқ муҳитини таъминлайдиган солиқ тизимини яратишга аҳамият берилмоқда. Бундан ташқари, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда, хусусан, биринчидан, солиқ статистикасининг қисман бўлсада шаффофлигини таъминлаш, рейтинг агентликлари билан фаолиятни тубдан яхшилаш ҳамда жаҳон рейтинг тизимида юқори ўринларга кўтарилиш мамлакат тадбиркорларини ҳамда хорижлик инвесторлар оқимиغا ижобий таъсир кўрсатади, чунки инсоният рақамларга ишонади;

иккинчидан, солиқ тизими фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий этилиши солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида ҳудудий ва маҳаллий солиқ органларининг ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти;

учинчидан, солиқ солиш тизимининг, ҳуқуқий муносабатларнинг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиш базасига эга солиқларнинг етарли даражада унификация қилинмаганлиги, уларни узоқ муддатли қилиб тасдиқлаш муаммоси долзарб. Асосан, хорижлик инвесторлар солиқ қонунчилигининг барқарор эмаслигидан мамлакатга инвестиция қилишдан қўрқишадилар ҳамда солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш; тўртинчидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизмларининг мукамал эмаслиги; муддатдан олдин ва кўп текширувларнинг бўлиши тадбиркорларни ўз фаолияти билан эмас, балки ҳужжатбозлик билан шуғулланишга олиб келади. Муҳтарам президентимиз ҳам Олий Мажлисга мурожатномасида бунга алоҳида урғу берганлар; бешинчидан, мамлакатда солиқ маданиятининг тўла ва тўғри шакилланимаганлиги давлат бюджетига ва хуфёна иқтисодиётни ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Аҳоли, тадбиркорлар солиқдан қочишни кўплаб усул ва йўллари излаб топишади, уларни назрида солиқлар бу уларга зарар қилувчи харажатлардир. Хорижий мамлакатларда инсонлар солиқларни ўз вақтида тўлашади, чунки улар солиқларни негатив эмас, балки ўзига, эртанги авлодга ва давлатга ёрдам берувчи тўлов сифатида қарашади.

Иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантиришда энг асосий эътибор

кичик бизнес субъектлари учун энг мақбул солиққа тортиш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилиб, бунга солиқ қонунчилиги асосида мустаҳкам замин яратилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланиб, у иқтисодий ўсиш суръатини, ялпи миллий маҳсулот таркиби ва сифатини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Иқтисодиётни демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил қисқартирилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга оширмоқда.

2019 йилда мамлакатда солиқ сиёсатида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлди. Бу эса корхоналар ва жисмоний шахслар учун солиқларни камайтириш, бизнес учун қулай шарт-шароитлар, ҳажми ва мулкчилик шаклларида қатъий назар тадбиркорлик субъектлари учун тенг шарт-шароитлар яратиш, қонуний ва муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларини кўпайтириш, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида мамлакатимиз солиқ ислоҳотида муҳум бошланғич қадамдир.

Барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкаси - 12 % миқдорида жорий этилади, ундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилади. Бюджетдан ташқари, Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадалларини бекор қилинади.


Бу тизимга ўтишнинг асосий мақсади шундаки солиққа тортиш тизимининг соддалигини таъминлаш. Бундан ташқари, даромад солиғида қилинган ислоҳатлар натижасида 7.4 трл сўм миқдордаги маблағ солиқ тўловчиларнинг ўзида қоладиган бўлди. Янги ставкага кўра ойлик маош қанча катта бўлса олдинги йилдаги солиқ суммасига нисбатан камроқ солиқ тўлови амалга оширилади. Бу еса ходимлари янада кўпроқ даромад топишга ва ишлашга ундайди.

1-жадвал

2014-2019-йиллардаги Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи

Енг кам ойлик иш ҳақининг даражаси	2014	2015	2016-2017	2018	2019 yil
1 баробаригача		0%	0%	0%	12 %
2 – 5 Баробаригача	7,5%	8,5%	7,5%	7,5%	
6 – 10 Баробаригача	16%	17%	17%	16,5%	
10 Баробаригача ортик	22%	23%	23%	22,5%	

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди.



1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкаларининг пасайиб бориши (фоиз) [5]

Қуйида таққослама жадвал орқали 2017-2018-йилларда кичик тадбиркорликнинг соҳалар бўйича улушини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилда бизнес юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

**2017-2018 йилларда кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари[6]**

	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	(+-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	Бирлик	229666	262930	33264
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	Бирлик	38167	48922	10755
ЯИМ	%	63,6	59,4	-4,2
Саноат	%	41,2	34,7	-6,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	98,1	98,1	0,0
Инвестиция	%	34,8	34,9	0,1
Курилиш	%	66,2	66,6	0,4
Савдо	%	88,3	86,3	-2,0
Хизматлар	%	58,4	55,2	-3,2
Юк ташиш	%	54,2	54,4	0,2
Экспорт	%	22,0	26,5	4,5
Импорт	%	53,6	55,8	2,2

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодий банд бўлганлар умумий сонидаги улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 64,8 фоизни, 2010 йилда 74,3 фоизни, 2017 йилда эса 78,3 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 28,4 фоиз бирликка ошган. [7]

Дунё мамлакатлари бўйича солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг қулай шарт-шароитларини яратилганлиги жиҳатидан таҳлил қилинадиган бўлса, ҳар доим ҳам ривожланган давлатлар юқори ўринни эгалламайди. Аксинча, ривожланаётган ёки ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар, шу жумладан мамлакатимизда ҳам солиқ юқини камайтириш орқали жозибдор инвестицион муҳитни яратиш орқали қулай солиққа тортиш тизимини яратишга кенг эътибор бериб келинмоқда. Таҳлиллар иқтисодий ривожланган давлатларда солиқ тизимининг қулайлиги жуда ҳам кўзга ташланадиган даражада эмаслиги кўрсатиб турибди. Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда дунёда энг юқори ўринларни эгаллайдиган Швейцария 19 ўринни эгаллаган, шунингдек, Белгия (64 ўрин), Франция (66 ўрин) каби ривожланган давлатлар ҳам юқори поғонани эгаллашмаган. Россияни кўрадиган бўлсак 134 ўринни эгаллайди, солиқларни тўлаш учун 448 соат (ёки 56 иш куни) сарфланади. АҚШда ҳолат бир мунча яхшироқ, бу давлат

46 ўринда, солиқларни расмийлаштириш ва тўлаш учун 187 соат сарф этилади ҳамда умумий солиқ ставкаси 42,3 фоизни ташкил этади. [8]

Маълумки, мустақиллик йилларида кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш бўйича кўплаб қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди, натижада республикада мулкдорлар синфи шаклланди. Истиқболда кичик тадбиркорликни барқарор ривожланиши ва соҳа самарадорлигини таъминлаш учун давлат томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Уни амалга ошириш солиқ қонунчилиги меъёрларини бузмаган ҳолда кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқ харажатларини камайтириш ва уларни барқарор ривожланиши учун шароит яратади (2-расм).



**2-расм. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш стратегияси**

Таклиф этилаётган стратегиянинг мақсади амалдаги солиқ тизимидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда солиқ тўлашнинг янги моделини ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоб сиёсати ва шартнома шартларини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқилган модел учун солиқ тўлаш қийматини тартибга солишни оптималлаштириш механизмларини тайёрлашдир.

Стратегиянинг давлат даражасидаги чора-тадбирлари сифатида солиққа тортишнинг асосий принципларига мослиги, соддалаштирилган ҳисобот, солиқ базасини камайтиришда қўлланиладиган харажатлар рўйхатини кенгайтириш,

солиқ юкини пасайтириш, жамиятда солиқ маданиятини шакллантириш, солиқ тизимига барқарорликни бериш кабиларни келтиришимиз мумкин.

Кичик тадбиркорлик субъектлари даражасидаги чора-тадбирлар сифатида эса кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият турини таҳлил қилиш, солиққа тортиш шароитлари қулай бўлган ташкилотлар жойлашган жойни танлаш, мақбул ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш, солиқларни оптималлаштириш вариантларини ишлаб чиқиш, солиқлар ҳисоблашнинг турли хил усулларини таҳлил қилиш, солиқларни минималлаштиришнинг самарали усулларини танлаш кабиларни эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида қайд этишимиз мумкин.

Ҳар қандай стратегия давлат ва иқтисодий субъектларнинг манфаатлари асосида ишлаб чиқилади. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш стратегияси асосида ҳам шу принцип ётади ва стратегия томонлар манфаатлари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бунда давлат манфаатларини тўртта гуруҳга бўлган ҳолда фискал манфаат (кичик тадбиркорликдан тушадиган солиқлар ҳисобига бюджет даромадларини ошириш), ижтимоий манфаат (кичик тадбиркорлик орқали аҳолининг ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини иқтисодий ҳаётга жалб қилиш), сиёсий манфаат (мулкдорлар синфи ҳукумат таянчи принципи асосида ўрта синфни шакллантириш) ва иқтисодий манфаат (рақобатбардош, мустаҳкам ва мослашувчан иқтисодиётни яратиш)ларни келтиришимиз мумкин.

## **ХУЛОСА**

Давлат ва тадбиркорлар манфаатларини эътиборга олган ҳолда солиқ стратегияси самарадорлиги моҳиятини белгиловчи мезонлар сифатида оддийлик (тадбиркор солиқларни ўзи ҳисоблаши ва тўлашни билиши лозимлиги); барқарорлик; биргина фискал эмас, балки давлатнинг бошқа манфаатларини ҳам ҳисобга олиши; тадбиркорлар томонидан солиққа тортиш тизимини эркин танлаш ва бир тизимдан иккинчисига ўтишни соддалаштириши; солиқ юкини пасайтириш – солиқ ставкасини пасайтириш принципига амал қилиши; кичик тадбиркорлик субъектлари мақомини берувчи мезонни унификациялаши; солиққа тортиш объектини эркин аниқлаш – умумий даромад ёки ялпи тушум; зарур, асосланган ва ўзининг ҳаётийлигини тасдиқлаган имтиёзларни қўллаши кабиларни алоҳида келтириб ўтишимиз лозим.

Стратегияни кичик тадбиркорлик субъектлари даражасида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади ва унда бевосита ушбу субъектлар томонидан солиқларни режалаштириш муҳим аҳамият касб этади. Солиқларни режалаштириш жараёни бир-бири билан ўзаро боғланган солиқ мажбуриятларининг пасайишини кафолатлайдиган бир нечта босқичдан иборат бўлиб, режалаштириш элементлари молиявий таҳлилчилар билими ва малака даражаси билан ҳам ўзаро боғлиқ.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш кичик

бизнес субъектлари молиявий ҳолатининг яхшиланишига, давлат бюджетига даромадларни ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кундаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқиши заруратидан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф сифатида айтиш мумкин:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш;

иккинчидан, солиқ юкини янада камайтириш, бир хил солиқ солиш объектларига эга бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирлаштириш;

учинчидан, солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини қўллаш учун қўшимча мезон (оборотнинг чегаравий миқдори) жорий этишни ва ушбу миқдор ошган корхонага, кичик тадбиркорлик субъекти мақомини сақлаб қолган ҳолда, қўшимча солиқ мажбуриятларини белгилаш;

тўртинчидан, айрим яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш;

бешинчидан, ҳалол, шу жумладан, иш ўринлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини легаллаштирадиган солиқ тўловчиларни рағбатлантириш чораларини жорий этиш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Akinin P.V. “Tax and taxation” text book - M.: Expo, 2008. - P.23.
2. Keynes J.N. The general theory of employment, interest and money.- M.: Progress, 1978. - S. 365.
3. Keynes J.N. The general theory of employment, interest and money- M. Gelios ARV, 2002- P.95.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг учинчи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўлиmidан.
5. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени 2017 йил январь-декабр Тошкент.
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
8. [www.http//imf.or](http://www.imf.or)
9. [www.doingbusiness.org](http://www.doingbusiness.org) Жаҳон банкининг бизнес юритиш рейтинг
10. [www.http//imf.or](http://www.imf.or) Халқаро валюта фондининг йиллик ҳисоботи асосида тузилди
11. <https://soliq.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси расмий сайти
12. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) Молия вазирлиги ахборот сайти
13. [www.stsat.uz](http://www.stsat.uz) Статистика қўмитаси ахборот сайти